



# **PEDAGOGIKANING DOLZARB MUAMMO VA YECHIMLARI**

**Respublika ilmiy-amaliy  
anjumani materiallari  
(2021 yil 17 may)**

**2021-yil**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**Abdulla Qodiriy nomidagi  
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**PEDAGOGIKANING DOLZARB MUAMMO VA YECHIMLARI**

**Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari  
(2021 yil 17 may)**

**Jizzax – 2021**

**UDK: 37.06(05)**

**BBK: 74.00**

**E-59**

**“Pedagogikaning dolzarb muammo va yechimlari” Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to`plami**

(Jizzax, 2021 yil 17-may, O`zbekiston). - Jizzax. 2021. – 516 b.

**MAS`UL MUHARRIR:**

**Sh.S.Sharipov** – pedagogika fanlari doktori, professor

**TAHRIR HAY`ATI:**

**Kushvaktov N.X.** – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

**Qodirov G.** – biologiya fanlari nomzodi, dotsent

**To`raqulova I.X.**- pedagogika fanlari nomzodi

**Atamurodova R.Q.** – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

**Jumanazarova D.U.**- pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

**Hamzayev H.X.**- pedagogika fanlari bo`yicha falsafa doktori, (PhD)

**Primov Sh.Q.**- pedagogika fanlari bo`yicha falsafa doktori, (PhD)

**TAQRIZCHILAR:**

**X.A.To`raqulov** – Pedagogik ta`lim xalqaro fanlar akademiyasi akademigi, ANTIQUE WORLD xalqaro ilmiy akademiyasi akademigi, “Turon” fanlar akademiyasi akademigi, A.G.Nebolsin nomidagi xalqaro mukofot lauriyati, texnika fanlari doktori, professor, Xalq maorifi a`lochisi.

**A.Nurmanov** – pedagogika fanlari doktori, professor.

**To`plam muharrirlari:** M.R. Isaqulov, G.M. Almuratova, O.A. G`aniyev, T. Ergashev

Ushbu to`plam Jizzax davlat pedagogika institutida O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-martdagi № 78-F sonli Farmoyishiga asosan joriy yilning 17 ma`i kuni Jizzax davlat pedagogika instituti Umumiy pedagogika kafedrasida “Pedagogikaning dolzarb muammo va yechimlari” mavzusida Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallaridan iborat.

To`plamdan joy olgan tezislarda keltirilgan ma`lumotlarning to`g`riligiga mualliflar javobgardirlar

## МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАЯНЧИ

**Нозбуви Бойчаева** ЖДПИ катта ўқитувчиси,  
**Холбеков.М.А.** ЖДПИ ўқитувчи,

*Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф –одатлар,  
бола зуваласини шакиллантиради.*

**Ислом Каримов**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзёевнинг янгиланаётган ўзбекистонда ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатининг бошқа турларига кизиқишларини оширишга истедодини юзага чиқаришга қаратилган даъвати бугунги кунда юксак эътирофга моликдир.

Баркамол авлодларни миллий маънавий тарбиялаш асослари аввало ўзбекона урф одатлар, қадимий қадриятлар, аجدодларимиздан мерос қолган маданий маънавий тарихий анъаналарнинг барҳаётлигидир. Янгиланаётган Ўзбекистонда руй бераётган чуқур ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, маърифий ислохатлар ёшларни юксак миллий ахлоқий, қадриятлар руҳида тарбиялашни тақоза этади. Ёш авлодларни аجدодларимиз анъаналари, асосида тарбиялаш давримиз тақозасидир. Юртбошимиз томонидан ёшларимизга, аёл- қизларимизга яратилаётган имкониятлар оила мактаб жамиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният тарихининг шакилланиши такомиллашуви ва тараққиёт босқичларини, ҳар бир ўзбек зиёлиларидан аجدодлар меросини кунд билан ўрганишни, илмий асослардан тегишли хулосаларга келишни, аниқ манбаларга таяниб, бугунги кун талаби даражасида тадқиқ этишни талаб этади.

Мутафаккир Алишер Навоийнинг бизга қолдирган буюк мероси, ва унинг адабиёт санъат ҳамда таълим – тарбия борасидаги хизматлари беқиёсдир. Унинг фан ва билимнинг соф виждонли кишилар қўлида умумхалқ бахти учун хизмат қилишига ишонди. Ҳийлагар ва мунофиқлар билим олганларидан сўнг янада хавфлироқ бўлиб қоладилар”- дея ҳаётий ҳақиқатларга гувоҳ бўлганлиги, чиқарган хулосалари ҳозирги кунимизда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу жиҳатдан Навоийнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир:

Илмни ким воситаи жоҳ этар  
Ўзинию халқини гумроҳ этар.

Навойнинг фикрича кишилар ақл ва адолатни шиор қилсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантириши мумкин. Худди шунинг учун у ота-оналарнинг ўз фарзандлари таълим ва тарбиясига таъсир кўрсатувчи омилларга алоҳида эътибор беришлари кераклигини таъкидлайди.

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,  
Қилғали маълум анга илму адаб.

Навойнинг фикрича таълим тарбиянинг, шахсни маънавий юксак, комил инсон даражасига етказувчи восита эканлигини, инсондаги энг қимматли, энг муқаддас нарсалардан бири фикр қилиш, борлиқни билиш қоблятидир дейди. Шу билан бирга Навоий кишиларни ота- билан онани ҳам жуда хурмат қилишга, оналарни кадрлашга чакиради.

“Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано қошиға....  
Тун кунунга айлагил нур фош.

Бирисин ой англа, бирисин қуёш!”- дея бугунги кунда ҳам буюк аждодимизнинг меросини ўрганиш ва таълим тарбияда миллий маънавий мулк сифатида ҳаётга тадбиқ этишда муҳим дастуриламал эканлигига гувоҳ бўламиз. Азалдан барчамизга маълумки, оила чин маънода миллий маънавий мафкуравий тарбия масканидир. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек “Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор”.

Қомусимизнинг оилага бағишланган XIV бобининг 63-64-65-66- моддаларида оиланинг ҳуқуқий асосларини белгилайдиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Тарихий жараёнлардан маълумки, ўзбек миллати азалдан оилапарвар болажон халқидир. Халқимиз бола тарбиясида нафақат меҳр кўсатиб, уни авайлаб асрайди, балки гўдаклигидан аллалар айтиб, ўз аллаларида аждодларидек ботир, юксак ғурурли, ҳамиятли, ор-номусли, ватанпарвар, инсонпарвар шахс бўлиб, комил инсон даражасидаги, аждодларига муносиб ворисларни тарбиялашга астойдил оила аҳли чин дилдан интиланлар.

Ватанимизнинг янада ривожланишида баркамол авлодларни замон талаби асосида таълим бериб тарбиялаш, тарбия ва таълимнинг теран мазмунини ёшлар онгига чуқур сингдириш ҳам оила ва мактабнинг узвий боғлиқлигини талаб этади.

Замон талаби асосида оила ва мактаб ота-оналар ўқувчи ва мураббийларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурати шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шуларни назарда тутиб, ёшларни миллий маънавий, мафкуравий тарбиялашда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақоза этади. Чунки ҳозирги давр талаби боғча, мактаб, ўрта махсус таълим масканлари ҳам тадқиқот майдонидир.

-халқ педагогикаси мазмуни ва моҳиятини тарихий ва замонавий манбалар асосида атрофлича тадқиқот ишларини жонлантириш;

-мактаб ва синф саҳнасида миллий анъаналарни маросим ларни ташкил этиш;

-оила ва мактаб ҳамкорлигини кучайтириш;

-болаларга хос маросимларни, оила ва мактаб ҳамкорлигида ривожлантириш;

-устоз шогирд муносабатларида маъсулликни тўғри англаш;

-мактаб ва оила анъаналарини, ота-оналар, устоз шогирдлар, муносабатларини мустаҳкамлаш;

-миллий анъаналарда миллий ўзига хосликни маданият, маънавият, маърифий ва мафкура мазмунини англаш, тахлил ваталқин этиш;

-баркамол авлодлар онгига қадриятларни қадрлашни, маънавий – маърифий мусиқий тадбирлар воситасида улар онгига сингдириш;

Бугунги кунда мактабларда миллий анъана маросимларнинг, турлари болаларга бағишланган урф-одатларнинг миллий тарбиявий аҳамиятини англаш даражаси, дарсдан ва синфдан ташқари олиб борилиши лозим бўлган тўғрақлар мунтазам иш фаолиятига эмас. Умумхалқ байрамлари баҳоли қудрат уюштилади. Аммо миллий тарбиянинг илмий асосларини назарий ва амалий ёритадиган даражадаги миллий маросимларга эътибор йўқ. Болаларга бағишланган маросимларни дарсдан ташқари тўғрақларни синф раҳбарлари устозлар томонидан мунтазам олиб борилмаётганлиги сабабли болалар бўш вақтларини ўқувчиларга хос бўлмаган миллий тарбияга зид ҳолатга тушиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Оила ва мактаб ҳамкорлиги келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама онгли билимли ўқимишли ички ва ташқи маънавиятли, маданиятли баркамол авлодларни тарбиялашдек долзарб масалага, лоқайдлик билан муносабатда бўлишни айрим мактаб раҳбарияти устозлар ва ота-оналар қандай изоҳлаши мумкин. Айрим ота-оналар “иш” билан бандлигини рўқач қилиш билан кифояланмоқдалар. Барча болалар ва барча ёшларни бўшлиқ мафкураси лоқайдликка, совуққонликка, фикр қарамлиги домига тортиш имкониятидан асраш ҳар бир ота-онанинг, синф раҳбарининг, мактаб маъмуриятининг, маҳалла аҳлининг ёшлар билан ишлаш марказларининг ва барчамизнинг знг муҳим бурч ва вазифамиз эканлигини, унутмаслик маъсулоти билан яшаш давримизнинг устивор масалаларидандир.

Янгиланган Ўзбекистонимизнинг барқарорлигида, оилавий миллий маросимларининг миллий анъана, урф-одатларимизнинг замиридаги маънавият, маданият, маърифат миллий мафкура қадимий қадриятларимиз ўз мазмун ва моҳиятига эгадир. Ўзбек халқ миллий анъаналари, маросимлари, қадирланадиган оилаларда тарбия топган ёшлар намунали, ибратли одоб-ахлоқи билан бошқалардан ажралиб туриши барчамизга маълум. Айниқса болаларга хос маросимларни мактаб, оила ва маҳалла ҳамжиҳатлигида ташкил этишда “туғулган кун,” “мучал тўй,” бойчечак сайли,” “чучмома сайли,” “меҳржон байрами,” “наврўз байрамилари” ва бошқа маросим ва байрамлар оила, мактаб ва маҳалла жамоатчилигида, устоз шогирдларни миллий маънавий анъаналарда, инсонлар орасидаги, меҳр оқибатни, ўз аро хурмат, ва қадрлашдек одатларимизни болалар ва ёшлар кўриб ўрнак олидилар. Қадирдонларнинг дийдорлашиши, эзгу тилақларни билдириши каби одамийлик сифатларини теран англашда, бир-бирига ишонч ва сийлаи раҳм фазилятларини янада мустаҳкамлашда кадр қимматни теран таркиб топишида инсоний диловорлик кашф этиб, бундай мусиқали тадбирлар одамларни бир-бирига жиплаштиради. Янгиланаётган Ўзбекистонимизда Давлат дастурларимизда мавжуд вазифа ва олий мақсадлар расман тан олиниб, ўз вақтида амал қилинса, қадриятларни қадрлаш уларни баркамол авлодлар ҳаётига тадбиқ этилса, ижтимоий юксалиш қарор топади. Бундай жараёнда ёшлар эзгу ишларни ташкил этаётган ота-оналаридан, устоз ва мураббийларидан маҳалла аҳлидан, кенг жамоатчилик ҳамжиҳатлигидан улар намуна оладилар. Бундай маънавий, маданий миллий тадбирлардан болалар ва ёшларда, ахлоқий онг теран шакилланади. Айрим оилаларда миллий анъаналарга одоб –ахлоққа эътиборсизлик, лоқайдлик, совуққонлик каби иллатлар ўрнини, андиша, ҳаё, ибдо,

меҳр- оқибат, диловорлик, раҳм-шавфқат каби миллий хусусиятлар таркиб топади. Келажак эгалари болалар ва ёшлар онгини маънавий, маданий, маърифий юксалишлар эгаллайди. Қачонки оилада ота-она биринчи тарбиячи сифатада ўрнак бўлиб, одоб ахлоқда намуна кўсата олиш ўрнини эгаллай олса. Қачонки, оила ва мактаб ҳамда маҳалла аҳли ҳамжиҳатликда, фидоийлик, аҳиллик билан болалар ва ёшларда таркиб топиши зарур бўлган фазилатлар ;илмли бўлишга интилаш, зийраклик , миллий онг, миллий ғурур, аждодларга хос мардлик ҳалоллик, поклик, жасорат, диловорлик, ички ва ташқи маънавият, кенг тафаккур, илмий ижодий салоҳият, ижтимоий фаолият фаоллиги такомиллашувига эришиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ.3160-сонли “Маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳини ривожлантиришни янги bosқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори// “Халқ сўзи” газетаси, 2017йил 29 июль сони.

2. Навоий.А. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.Т.:1983й.

3. Ўзбекистон республикаси Президенти Фармони. 2019 йил 19 март. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5та муҳим ташаббус.

4. Бобохонов.А Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан.Т: “Ўқитувчи” нашриёти.1967 й.

5. Жўраев.А.Ж. Тарбиявий дарсларни ўтиш.Т: “Ўқитувчи” нашриёти .1994 йил.